

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.04.2021.Fil.20.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ  
ҚОРАҚАЛПОГИСТОН БЎЛИМИ ҚОРАҚАЛПОҚ ГУМАНИТАР  
ФАНЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**КАМАЛОВА ДИЛЬФУЗА ЭНУАРОВНА**

**ҚОРАҚАЛПОҚ АДАБИЁТИДА НОВЕЛЛА ЖАНРИ**

**10.00.12 – Қорақалпоқ адабиёти**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
филологическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on  
philological sciences**

<b>Камалова Дильфуза Энуаровна</b> Қорақалпоқ адабиётида новелла жанри .....	3
<b>Камалова Дильфуза Энуаровна</b> Жанр новеллы в каракалпакской литературе .....	23
<b>Kamalova Dilfuza Enuarovna</b> The genre of the novel in Karakalpak literature .....	43
<b>Эълон қилинган ишлар рўйхати</b> Список опубликованных работ List of published works .....	47

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.04.2021.Fil.20.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ  
ҚОРАҚАЛПОГИСТОН БЎЛИМИ ҚОРАҚАЛПОҚ ГУМАНИТАР  
ФАНЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**КАМАЛОВА ДИЛЬФУЗА ЭНУАРОВНА**

**ҚОРАҚАЛПОҚ АДАБИЁТИДА НОВЕЛЛА ЖАНРИ**

**10.00.12 – Қорақалпоқ адабиёти**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

Нукус-2022

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.4.PhD/Fil677 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.karsu.uz](http://www.karsu.uz)) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот тўлиқ порталда ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Бекбергенова Зияда Утеповна**  
филология фанлари доктори (DSc), доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Пуржанов Пердебай Ержанович**  
филология фанлари доктори (DSc), доцент

**Ктайбекова Зулфия Кенгесбаевна**  
филология фанлари бўйича фалсафа доктори

**Ётақчи ташкилот:**

**Тошкент давлат педагогика университети**

Диссертация ҳимояси Қорақалпоқ давлат университети ҳузуридаги DSc.03/30.04.2021.Fil.20.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «15» септем куни соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтди (Манзил: 230112, Нукус шаҳри, Ч.Абдиқиров кўчаси, 1-уй. Тел.: (99861) 223-59-25; факс: (+998961) 223-59-25, e-mail: [karsu\\_info@edu.uz](mailto:karsu_info@edu.uz)).

Диссертация билан Қорақалпоқ давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (70 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 230112, Нукус шаҳри, Ч.Абдиқиров кўчаси, 1-уй. Тел.: (99861) 223-59-25).

Диссертация автореферати 2022 йил «23» феврал куни тарқатилди.

(2022 йил «23» феврал даги 3 рақамли реестр баённомаси).



**Қ.К.Оразымбетов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

**Д.Б.Сейткасымов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

**Қ.К.Жаримбетов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

## КИРИШ (диссертация аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон адабиётида ахборот ҳажми қисқаруви жанр лаконизациясини эҳтиёж даражасига кўтараёзди. Бинобарин, жорий кунда ижтимоий тафаккур типи тамомила янгиланиши эстетик идрок жараёнини ҳам кескин ўзгартирди. Аслида адабий моҳият мунтазам ислоҳотга эҳтиёжи табиий ҳодиса саналади. Жанр динамикасини миллий адабиёт тажрибаси асносида баҳолаш, бадий шаклда вазифа ва услуб бир-бирига ўтиб туришини тавсифлаш, новеллада тафсилот ҳамда имитация алоқасини текшириш масалани ойдинлаштиришга хизмат қилади. Айнан таҳлил малакаси такомилли, билиш рационал ва иррационал имкониятлари ошиши, эстетик дид ва маънавий-ахлоқий ўлчам универсаллашуви жанрни янги аспектда ўрганишни заруратга айлантиради.

Дунё адабиётшунослигида ўзининг кескин сюжетларга бойлиги, кутилмаган хулосалар берилиши ҳамда ёзувчидан катта маҳорат талаб қилиши билан тафовутланадиган новелла жанрининг генезиси, тарихий тадрижи, адабий жанрлар таснифидаги ўрни ва поэтик хусусиятини ҳозирги адабиётшунослик илмининг ютуқларига асосланиб ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чунончи, новелланинг жанрий-композицион тизимда тутган ўрни, муайян ижтимоий-эстетик қиймат тақозолайдиган жанр лаконизми ва миллий адабиётда намоён бўлиш спецификасини умумлаштириш фан истикболли йўналишларини белгилашга ёрдам беради.

Мустақиллик даврида миллий адабиётшуносликда жанрлар типологиясини белгилаш, янгиланган бадий-эстетик тамойиллар уйғунлашуви, фан илмий-методологик базасини мустақамлашга интилиш жараён тусини олди. Айни пайтда, «адабиёт халқнинг юраги, элнинг маънавиятини кўрсатади. Бугунги мураккаб замонда одамлар қалбига йўл топиш, уларни эзгу мақсадларга илҳомлантиришда адабиётнинг таъсирчан кучидан фойдаланиш керак. Аждодлар меросини ўрганиш, буюк маданиятимизга муносиб буюк адабиёт яратиш учун ҳамма шароитларни яратамиз»<sup>1</sup>. Шу маънода, қорақалпоқ новеллаларида мавзу ва проблематика талқини, тасвирда тафсилот мақомини белгилаш, бадийлик комплексида жанр ҳамда поэтик маҳорат қирралари бир-бирига боғланишини назарий умумлаштириш стратегик аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон «Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида», 2020 йил 20 октябрдаги ПФ-6084-сон «Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида барпо этилган Адиблар хиёбонида сўзлаган нутқи // <https://www.uzreport.news/politics/shavkat-mirziyoev-alisher-navoiv-nomidagi-uzbekiston-milliy-bo-ida-barpo-etilgan-adiblar-h>

академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон «Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлари дастури тўғрисида», 2018 йил 5 апрелдаги ПҚ-3652-сон «Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда соҳага тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион гоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Дунё адабиётшунослиги сатҳида новелла жанрий моҳияти ва назарий асосларини белгилашда Г.Н.Поспелов, Л.Тимофеев, В.Е.Хализев, Е.М.Мелетинский, М.А.Петровский, М.М.Бахтин, В.В.Виноградов, Б.Эйхенбаум, М.И.Бент, И.Аврамец, А.В.Барькина, Т.Ш.Саид-Батталова ва бошқаларнинг асарлари муносиб ўрин тутди<sup>2</sup>. Шу жумладан, муаммо у ёки бу жиҳатлари туркий адабиётшунослик контекстида, бинобарин, ўзбек, козоқ, туркман, турк олимлари томонидан жиддий ўрганилган. Жорий тадқиқотларда жанр поэтикаси, бадиий шакллар тарихий тараққиёти ва ижодкор поэтик маҳорати масалалари ёритилган<sup>3</sup>.

---

<sup>2</sup> Поспелов Г.Н. Теория литературы. – М.: Учпедгиз, 1940; Тимофеев Л.И. Основы теории литературы. – М.: Просвещение, 1974; Хализев В.Е. Теория литературы. – М.: Высшая школа, 1999; Мелетинский Е.М. Историческая поэтика новеллы. М.: Наука, 1990; Петровский М.А. Морфология новеллы // *Arg poetica I* / Сб. ст. подред. М. А. Петровского. – М.: ГАХН, 1927; Бахтин М.М. Эстетика словесного творчества. – М.: Искусство, 1986; Виноградов Н. О теории новеллы // *Вопросы марксистской поэтики*. – М.: Советский писатель, 1972; Эйхенбаум Б. О`Генри и теория новеллы // *Звезда*. 1925. - №6 (12); Бент М.И. Немецкая романтическая новелла: Генезис, эволюция, типология. – Иркутск: Изд-во ИГУ, 1987; Аврамец И. Поэтика новеллы Достоевского. – Тарту: Эстония, 2001; Барькина А.В. Жанр новеллы в русской литературе первой трети XIX века: автореф. дис. канд. филол. наук. – М.: 2007; Саид-Батталова Т.Ш. Проблема жанровой специфики: рассказ и новелла // *Филологические науки. Вопросы теории и практики*, - №4 (11) 2011; Гольгина К.И. Генезис и формирование новеллистической прозы в Китае. АДД. – М.: 1983; Мусаллам Джумаа Хуссейн. Иорданская и палестинская новелла в XX веке. АКД. – М.: 1973; Негреева Г.В. Вопросы жанра и композиции в новелле ГДР (50-60 гг. XX-века). АКД. – Баку: 1967; Саркисян Ж.П. Новеллы Т.Шторма (Проблемы творческого метода). АКД. – М.: 1976; Лесин В.М. Василий Стефаник – мастер реалистической новеллы. АДД. – Львов: 1966; Авессаламова Г.С. Новеллы Проспера Мериме 1829-1830 годов. АКД. – Л.: 1966; Маргуни А.В. Армянская новелла конца XIX-начала XX века. – М.: 1966.

<sup>3</sup> Қўшжонов М. Маъно ва мезон. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1974; Мамажонов С. Услуб жилolari. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972; Sulton I. *Adabiyot nazariyasi*. – Toshkent: O`qituvchi, 2005; Ҳотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли лугати. – Тошкент: Ўқитувчи. 1983; Норматов У. Эртақлар ва абсурдлар // *Ўзбекистон адабиёти ва санъати*. 2000. 14 июль; Қуронон Д., Мамажанов З., Шералиева М. Адабиётшунослик лугати. – Тошкент: Академнашр, 2013; Мухтаров Т.А. Новелла в классической арабской литературе. / Отв. ред. Н.Ибрахимов. – Т.: Ўзбекистон, 2002; Усмонова З. Ўзбек эртақ новеллаларининг ўзига хос хусусияти ва бадиияти: Филол.фан.номз. ... дисс. автореф. – Тошкент: 1999. Тошпўлатов А. Ўзбек адабиётида новелла жанри ва унинг бадиияти (А.Қаҳҳор, Ш.Холмирзаев, Н.Эшонқулов ижоди мисолида).

Қорақалпоқ адабиётшунослигида ҳам новелла жанри бўйича илмий кузатишлар мавжуд. Айнан М.Нурмухамедов, К.Мамбетов, С.Бахадирова, А.Аманова, Қ.Жаримбетов, Б.Генжемуратов, З.Ктайбековалар назарий талқинида муаммо баъзи қирраларига муносабат билдирилган<sup>4</sup>. Шунинг билан бирга Ж.Есенов, К.Алламбергенов, И.Утеулиевларнинг айрим тадқиқотларида новелла бўйича бир қанча фикрлар бор<sup>5</sup>. Лекин уларда ҳозирги қорақалпоқ новеллалари махсус тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган. Ишда жанр вужудга келиш омиллари, генезиси, ёзувчи поэтик маҳорати яхлитлиги янги гоявий-эстетик қарашлар асосида текширилади.

**Диссертация мавзусининг тадқиқот бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ Гуманитар фанлар илмий тадқиқот институти илмий-тадқиқот ишлари режаларига мувофиқ ФА-Ф-1-005 «Қорақалпоқ фольклоршунослиги ва адабиётшунослиги тарихини тадқиқ этиш» (2017-2020) мавзусидаги фундаментал тадқиқот доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** қорақалпоқ адабиётида новелла жанри шаклланиши ва ривожланишига таъсир ўтказган омилларни аниқлаш, миллий эстетик тафаккурда жанр вазифадошлигини белгилаш ва ривоя матни гоявий-эстетик моҳиятини очиб беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

новелла жанри умумий моҳияти ва миллий адабиёт тизимидаги хусусий таракқиёт босқичларини белгилаш;

қорақалпоқ адабиётида новелла жанри шаклланиш ҳамда ривожланиш омилларини кўрсатиш;

новелла ва ҳикоя жанри тафовути тўғрисида жаҳон эстетикасида юзага келган илмий-назарий қарашларни тўлдириш;

жанр гоявий-тематик диапазони ва сюжет динамикасида бадиий тафсилот функционал жиҳатларини тавсифлаш;

қорақалпоқ новеллаларида ижодкор ифода услуби ҳамда поэтик маҳоратини очиб беришдан иборат.

---

Филол.фан.б.фалс.док. (PhD) дисс.автореф. – Самарқанд: 2018; Жалилова Л. XX аср бошида Америка сатирик новелласининг поэтикаси. Филол.фан.б.фалс.док. (PhD) дисс.автореф. – Бухоро: 2021; Алтынбекова М. Новелла нақштары // Жўлдыз. 1966. - №2. – Б. 143-145; Сатылханова Г. Қазак новеллаларындагы детальдың көркемдік қызметі. – Алматы: 2019; Кулиев Г. Нурмурад Сарыханов – новеллист (к проблеме становления жанра новеллы в туркменской советской литературе). – Ашхабад: 1965; Шпак И.М. Современная афганская (пуштунская) новелла (60-е годы). – Душанбе: 1971.

<sup>4</sup> Нурмухамедов М. Таңламалы шығармаларының 2 томлығы. II том. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1985; Мәмбетов К. Әдебиат теориясы. – Нөкис: Билим, 1995; Бахадырова С. «Китаби дедем қорқыт», «Қоблан», «Едиге» хэм хәзирги әдебиат ҳаққында ойлар: Әдебий сын мақалалары. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1992.; Аманова А. Карақалпақский рассказ 1930-50-годов. Поэтика и типология. Автореф. канд. дис... филол. наук. – Москва: 1993; Ja'rimbetov Q. A'debiyattaniwdan sabaqlar. – No'kis: Qaraqalpaqstan. 2012; Jarimbetov Q., Genjemuratov B. Adebayat teoriyas?. Sabaqlıq. – Tashkent: Sano-standart, 2018; Ктайбекова З. Мустақиллик даври қорақалпоқ ҳикояларининг поэтикаси. Филол.фан.б.фалс.док. (PhD) дисс.автореф. – Нукус: 2021.

<sup>5</sup> Есенов Ж. Ҳарекетшен талант. – Нөкис: Билим, 2013; Аллаамбергенов К. Новелланың жетик шебери (А.Султанов ҳаққында) // Әмиўдәрья. 1997. – №3-4; Өтеулиев И. Жан даўысы. – Нөкис: Билим, 1993.

**Тадқиқотнинг объектини** А.Султанов, К.Смамутов, К.Алламбергенов, М.Таумуратов, Ҳ.Утемуратова новеллалари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг предметини** қорақалпоқ адабиётида новелла жанри вужудга келиши, тарихий такомилли, жанрий тафовути, композицион тузилиши, сюжет курилиши, образ ва характер муносабати ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда қиёсий-тарихий, қиёсий-типологик, бадиий-эстетик ва структурал таҳлил усуллари қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** куйидагилардан иборат:

қорақалпоқ адабиётида новелла ва ҳикоя ўртасидаги жанрий дифференциация исботланиб, жанрнинг композицион қатъийлиги, структура жиҳатдан ихчамлиги, драматик ҳолатларга бойлиги ҳамда каноник хусусиятлари аниқланган;

новеллаларнинг мавзу қўлами, гоёвий-тематик диапазони аниқланиб, жанрга хос кескин конфликт, драматизм, ўткир сюжет, лиризм ва психологизм, кутилмаган ечим каби специфик хусусиятлар, новелла ва ҳикоя ўртасидаги композицион тафовут ва гоёвий муштараклик аниқ мисоллар орқали далилланган;

қорақалпоқ новеллаларида воқеаларнинг хронологик тартибда берилмаслиги, лаконизм ва қаҳрамон руҳий ҳолатини беришда предмет, хотира, туш каби бадиий тафсилот ҳамда портрет, пейзаж сингари поэтик маҳорат бадиий-эстетик жиҳатдан очиб берилган;

жанр бадиий-эстетик моҳияти, типологик муштараклиги муайян асарлар асосида ўзига хос янги назарий қарашлар билан бойитилган ҳамда ижодкорга хос тил хусусиятлари, бадиий психологик ифодалаш услуби, мураккаб поэтик тасвир йўсини ва ёзувчининг ижодий индивидуаллиги очиб берилган, шунингдек новеллада бадиий воқеаликни тасвирлашдаги натурализмга асосланган камчиликлар исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** куйидагилардан иборат:

жаҳон адабиётшунослигида новелла жанри ҳақидаги илмий-назарий фикрлар умумлаштирилиб, қорақалпоқ адабиётшунослигида муаммо қўлами кўрсатиб берилган;

қорақалпоқ адабиётшунослигида новелла жанри бўйича мавжуд илмий-назарий қарашлар малакавий такомиллаштирилган;

қорақалпоқ адабиётида новелла жанри ўзига хослиги ҳамда типологияси таҳлилга тортилган;

бадиий шакл гоёвий-эстетик миқёси белгиланган;

қорақалпоқ новеллаларида бадиийлик мезонлари ва поэтик маҳорат уйғунлиги очиб берилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** қўлланилган илмий ёндашувлар, усуллар, унда фойдаланилган назарий маълумотларнинг ишончлилиги ҳамда бадиий манбалардан олинганлиги, назарий хулосалар ва тақлифларнинг амалиётга кенг жорий қилиниши, илмий хулосаларнинг қиёсий-тарихий, қиёсий-типологик, бадиий-эстетик ва структурал таҳлил усулларга асосланганлиги олинган натижаларнинг тегишли муассасалар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.



**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, қорақалпоқ адабиётида новелла жанри генезиси, ривожланиш тенденцияси, гоаявий-тематик ва жанр хусусияти бўйича чиқарилган хулосалар ташкил қилади ва мавзу бўйича шаклланган қарашлар тўлдирилган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган хулосалардан олий таълим муассасаларининг филология йўналишларида «Ҳозирги қорақалпоқ адабиёти ва адабий жараён», «Мустақиллик даври қорақалпоқ адабиёти» фанлари бўйича маъруза ва махсус курслар ўқишда ҳамда кичик эпик жанрлар бўйича тадқиқотлар олиб боришда, шунингдек филология мутахассислиги бўйича дарслик ва ўқув-қўлланмалар тайёрлашда асосий манба вазифасини бажаради.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Қорақалпоқ адабиётида новелла жанрининг генезиси, ривожланиш тадрижи ва жанр хусусияти тадқиқи орқали олинган натижалар асосида:

бадий тизимда новелла жанрининг пайдо бўлиши, шаклланиши ва эволюцияси, жанр ва гоаявий-тематик хусусиятини тадқиқ қилишга тегишли материаллар ва илмий-назарий хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтида бажарилган ФА-Ф-1-005 “Қорақалпоқ фольклоршунослиги ва адабиётшунослиги тарихини тадқиқ қилиш” (2017-2020 й.й.) фундаментал лойиҳасида фойдаланилган (Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтининг 2021 йил 25 августдаги 219/1-сон маълумотномаси). Натижада, шу лойиҳанинг қорақалпоқ прозасида кичик эпик жанрларнинг (хикоя, новелла, очерк ва х.) тадқиқи тарихини ўрганишга бағишланган бўлимларини ёзишда манба сифатида фойдаланилган;

новелла жанри ва унинг қорақалпоқ адабиётида тутган ўрни ва аҳамияти, назарияси, ўзига хос хусусияти юзасидан олинган хулосалардан Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон Республикаси Ёзувчилар уюшмаси томонидан ўтказилган проза кечасига бағишланган семинарларда ва йилнинг якунига бағишланган тадбирларда маъруза сифатида фойдаланилган (Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмасининг 2021 йил 25 августдаги 94-сон маълумотномаси). Натижада, ёш ижодкорларнинг новелла жанри ҳақида кенг билим ва тушунчага эга бўлишига ҳамда бадий маҳоратини ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишга амалий хизмат қилган;

новелла жанрининг гоаявий-тематик йўналишлари, бадий-эстетик хизмати ва новелла ижодкорларининг эпика жанрини тур ва шакл, услубий томондан бойитишдаги ўзига хос маҳорати тўғрисидаги илмий ва амалий хулосалардан Қорақалпоғистон Республикаси телерадиоканалининг «Адабий портрет», «Адабиёт ва давр», «Хайрли тонг», «Ёшлар студияси», «Ёзувчи ва замон» кўрсатув ва эшиттиришларини тайёрлашда фойдаланилган (Қорақалпоғистон Республикаси телерадиокомпаниясининг 2021 йил 25 августдаги 01-02/412-сон маълумотномаси). Натижада, новеллаларнинг

қорақалпоқ насрида тутган ўрни, голавий-тематиқ, жанрий ва бадий-эстетик томонлари кенг жамоатчиликка тарғиб қилинишига эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 9 та илмий-амалий конференциялар, шу жумладан 4 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий конференцияларида апробациядан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш эълон қилинган, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, шундан 4 таси республика ҳамда 3 таси хорижий мамлакатларнинг нуфузли журналларида чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта асосий боб, етти фасл, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишнинг умумий ҳажми 154 та бет.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурлиги асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти, предмети материаллари аниқланган, тадқиқот ишининг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгиликлари ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, апробацияси, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Новелла жанрининг пайдо бўлиши ва тадқиқ қилиниш манбалари**» деб номланган бўлиб, у икки фаслдан иборат. Бобнинг биринчи фасли «Жанрнинг илмий-назарий ва адабий асослари» дея аталади. Унда новелла жанри вужудга келиш омиллари, поэтик шаклланишига хизмат қилган асосий манбалар, хусусан, Боккаччонинг «Декамерон», Саккетининг «Уч юз новелла» ва Хитой новеллачилиги тажрибаси мисолида таҳлилга тортилиб, мавжуд илмий-назарий қарашлар умумлаштирилади.

«Новелла жанри – дунё адабиётида асрлар мобайнида малакавий жиҳатдан такомиллашиб келган жанрлардан бири ҳисобланади. Унинг тарихий илдизлари лотинча *exemplum*, *fabulum*, масал, халқ эртақларига туташади. Бинобарин, XIII асрдаги окситан тилида аввалдан мавжуд, анъанавий материаллар таҳрирланган янгидан баён этилган мушоҳада «*poema*» тарзида қўлланилган. Шундан сўнг италянча «*novella*» атамаси ҳосил бўлган, XV асрдан бошлаб эса истилоҳ Европа давлатларида кенг оммалашган»<sup>6</sup>. Лекин, бундан жанр фақат Европа давлатлари адабиётида пайдо бўлди, - деган хулоса чиқмайди. Негаки, араб, форс, хинд, япон, хитой, корейс адабиётида ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Атама Марказий Осиё

<sup>6</sup> Новелла. Электрон ресурс: [www.dic.academic.ru](http://www.dic.academic.ru). Мурожаат қилинган вақти: 14.08.2021.

халқлари маданиятига рус адабиёти билвосита таъсири орқали кириб келган бўлса, рус адабиётида жанр такомили Гарбий Европа дунё қарашидан озикланади.

Италия ёзувчиси Баккочонинг «Декамерон» асари адабиёт тарихида мумтоз новелла пайдо бўлиши ва шаклланишида муайян ўрин эгаллайди. Бу ҳақда рус олими И.В.Виноградов<sup>7</sup> ва Е.М.Мелетинскийнинг асарларида XX асрнинг 80 йилларидаги тарихий новеллалар ҳақида сўз юритилиб, жумладан Уйғониш давридаги нодир намуна «Декамерон» тўғрисида батафсил маълумот берилди<sup>8</sup>.

Жаҳон адабиётида новелла жанри ўзига хослигини ажойиб намуналарини П.Мериме, Э.Золя, Ги Де Мопассан, А.П.Чехов, У.С.Портер, С.Моэм, В.Стефаник, С.Цвейг, Э.Хеменгуэй, А.Несин ижоди мисолида кузатиш мумкин. Жумладан, П.Меримениң «Мовий хона», «Кармен» новеллалари, Ги Де Мопассаннинг «Ойдин кеча», С.Цвейгнинг «Шахмат новелласи», «Намаълум аёл мактуби» асарлари сюжетида инсон ҳаётида учрайдиган характерли воқеалар кескин конфликт, қутилмаган лаҳзалар ва гайритабиий ҳулоса билан пайвандланади. Новелла сюжети қисқа тафсилотларни тасвирлашга йўналтирилган бўлса-да, уларда ҳаётда ўз ечимини қутаётган долзарб масалаларга эътибор қаратилишига гувоҳ бўлиш мумкин. Таниқли француз новеллисти П.Меримениң «Мовий хона», «Кармен» адабий воқеалик қутилмаган ўзгаришлар юзага келтириш талқинида қаҳрамон психологиясини таранг ифодада очиқ бериши билан ҳикоядан тафовутланади. Шунингдек, новелла марказида кескин конфликт драматик тус олиши, саргузаштга мойиллиги тадқиқотда мисоллар билан далолатланди.

XX асрнинг дастлабки йилларидан бошлаб, рус адабиётшунослигида новелла жанрига жиддий эътибор қаратилди. Баъзи илмий асарларда<sup>9</sup> ва М.А.Петровский<sup>10</sup>, И.Виноградов<sup>11</sup>, Е.М.Мелетинскийларнинг<sup>12</sup> тадқиқотларида новелла ўзига хослиги ва ҳикоядан фарқли хусусиятлари бўйича илмий-назарий ҳулосалар чиқарилади.

Рус адабиётшунос олими Г.Н.Поспелов: «... ҳикоя қисқа сахнада кундалик ҳаётни ёритади. Новеллада ёзувчи қаҳрамон ҳаётидаги ҳайратомуз намуналарни кўрсатади»<sup>13</sup>, - дея ёзади, дарҳақиқат, новеллада ҳикояга нисбатан тавсифийлик ва сюжет қурилиши фавқулоддалиги бўртиб кўринади. Унда инсон ҳаётидаги кундалик ҳаёт воқеалари эмас, балки кескин бурилиш лаҳзаси ихчам тасвирланиб, қутилмаган ҳулоса илгари сурилади. Е.М.Мелетинский эса, «... новелла хусусий ва тўлиқ таърифи йўқ, бўлиши

<sup>7</sup> Виноградов И. О теории новеллы // Вопросы марксистской поэтики. – М.: Советский писатель, 1972. – С. 240-311.

<sup>8</sup> Мелетинский Е.М. Историческая поэтика новеллы. – М.: Наука, 1990.

<sup>9</sup> Поспелов Г.Н. Теория литературы. – М.: Учпедгиз, 1940; Томашевский Б. Теория литературы. Поэтика. – М.: Аспект Пресс, 1996.

<sup>10</sup> Петровский М.А. Морфология новеллы, «Ars poetica», I, Сб. статей. Электрон ресурс. – М.: 1927.

<sup>11</sup> Виноградов И.А. О теории новеллы // Вопросы марксистской поэтики. – М.: Советский писатель, 1972.

<sup>12</sup> Мелетинский Е.М. Историческая поэтика новеллы. – М.: Наука, 1990.

<sup>13</sup> Поспелов Г.Н. Теория литературы. – М.: Учпедгиз, 1940. – С. 139.

хам мумкин эмас»<sup>14</sup>, - деган хулосага келади. Шунингдек, тадқиқотчи жанр табиатини қуйидагича изоҳлайди: «Қисқалик ўзига хослиги новелланинг муҳим хусусияти ҳисобланади. Ихчамлик новеллани йирик эпик жанрлар, асосан, роман ва қиссадан ажратиб туради, лекин уни эртак, қахрамонлик дostonлар, афсона, анекдотлар билан бирлаштиради»<sup>15</sup>, - дея эътироф этади. Кейинги, босқич рус адабиётшунослигида А.Барькинанинг новелла жанри бўйича олиб борган тадқиқоти салмоқли назарий қарашлар асосига қурилгани билан эътиборни тортади. Асарда муаллиф XIX асрнинг дастлабки ўттиз йиллигидаги рус адабиётида новелла жанри асарларини фантастик ва нофантастик деб икки гуруҳга ажратади. Фантастик новелланинг ўзини новелла-эртак, новелла-dostonлар, готик новелла, новелла-миф тарзида тақсимлайди. Нофантастик новеллаларни қуйидагича ажратади: новелла-латифа, психологик, лиро-эпик, сеҳрли новеллалар<sup>16</sup>.

Ўзбек адабиётшунослигида академик М.Қўшжонов новелла ҳақида мулоҳаза юритаркан, «новелла – адабиётнинг эпик турига қирадиган кичик жанрлардан бири. Новелла ўзининг ихчамлиги билан ҳикояга яқин туради. ... Ҳозирги кун адабиётшунослигида новелланинг ўзига хослиги характерлар ҳолати ва воқеаларнинг кескин бурилишларда ихчам, пишиқ сюжет, қутилмаган ечим асосида кўрсатиб беришдан иборат, деб ҳисобланади. Новеллада автор воқеаларга кўп аралаша бермайди. Бу хусусиятлари билан новеллани ҳикоянинг сюжет жиҳатдан тугал ишланган олий формаси деб аташ мумкин»<sup>17</sup>, - дея ёзади. Мунаққид новелла ва ҳикоя ўртасидаги жанрий тафовутни назарий жиҳатдан кўрсатиб беради. Машхур адабиётшунос И.Султон жанрни: «Энг яхши новеллалар учун сюжетнинг оригиналлиги, унда қўққис «бурилишлар»нинг мавжудлиги, қизиқтирувчанлик, қутилмаган хотималар характерлидир»<sup>18</sup>, - дея изоҳлайди.

Ўзбек адабиётида новелла бўйича тадқиқот олиб борган А.Тошпўлатовнинг назарий қарашлари эътиборни тортади: «1. Ҳикояда – воқеа одатий яқун топади, яъни кичик сахналарда кундалик турмуш тарзи баён этилади. 2. Новеллада – воқеа қутилмаган муқаддима билан бошланади. Бундай асарларда новелла сюжети фаоллашади. Унинг бу тарзда бошланиши ва олдиндан баён қилинишнинг йўқлиги новеллага психологик таранглик беради...»<sup>19</sup>. Фаслда новелла жанри дунё адабиётида тутган ўрни ва илмий-назарий асослари умумлаштирилиб, қорақалпоқ адабиётида бадиий шакл пайдо бўлиши ва шаклланишига таъсири аниқланди.

Биринчи бобнинг иккинчи фаслида «Қорақалпоқ адабиётида новелла жанрининг пайдо бўлиши ва шаклланиши босқичлари» хусусида сўз

<sup>14</sup> Мелетинский Е.М. Историческая поэтика новеллы. – М.: Наука, 1990. – С. 4.

<sup>15</sup> Шунда. – С. 4.

<sup>16</sup> Барькина А.В. Жанр новеллы в русской литературе первой трети XIX века: Автореф. дис. канд. филол. наук. – М., 2007.

<sup>17</sup> Қўшжонов М. Маъно ва мезон. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1974. – Б. 163-164.

<sup>18</sup> Султонов И. Адабиёт назарияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1986. – Б. 258.

<sup>19</sup> Тошпўлатов А. Ўзбек адабиётида новелла жанри ва унинг бадиияти (А.Қаххор, Ш.Холмирзаев, Н.Эшонқул ижоди мисолида): Филол.фан. бўйича фалс.док. (PhD) дисс. автореф. – Самарқанд. 2018. – Б. 15.

юритилади. Бадиий адабиётда янги жанрларнинг юзага келиши ва шаклланиши, ички ва ташқи таъсир натижасида пайдо бўладиган ҳодиса ҳисобланади. XX аср қорақалпоқ адабиётида насрнинг очерк, ҳикоя, қисса, роман каби янги жанр турлари қатори новелла жанри ҳам ўтган XX асрнинг 50-60 йилларида пайдо бўлиб, шаклланиш босқичларини бошдан кечирди. Лекин, новелла жанри келиб чиқиш тарихи халқ оғзаки ижоди эртак, латифа ва масалларга бориб тақалиши олимлар томонидан ўз исботини топган.

Новелланинг ҳикоя жанридан фарқли хусусиятга эгаллиги рус, ўзбек адабиётшунослигида аксарият тадқиқотчилар томонидан таъкидланса-да, қорақалпоқ адабиётшунослигида «ҳикоя» ва «новелла» ўртасидаги дифференциал тафовут мавжуд эканлиги илмий тадқиқотларда умумлаштирилиб ўрганилган. Жумладан, 1930-1970 йиллардаги қорақалпоқ насрини яхлит тадқиқ қилган М.Нурмухамедовнинг илмий асарларида новелла ҳикоя жанрининг таркибидаги бадиий шакл эканлиги эътироф этилган бўлса<sup>20</sup>, С.Баҳадированинг тадқиқотларида 1970-1980 йиллардаги ҳикоя жанри таркибида ўрганилди<sup>21</sup>. М.Нурмухамедов ёзувчи Ғ.Сейтназаровнинг «Қизил кум новелласи»нинг таҳлилида, «...Адабиётимизда эски билан янгини таққослаб тасвирлаши янгилик эмас. Бироқ чўл кумнинг икки тақдирини – ўтмишдаги ва ҳозирги аксини солиштириш қорақалпоқ насри учун янги мотив эканлиги сўзсиз. ... Муаллиф новелла асосий ғоясини бир-бирига боғлиқ тасавурларга боғлайди. Қуруқ шовқин-сурон, кўп сўзликка йўл қўйилмаганлиги, воқеаларнинг табиий ва бадиий, ишонarli тасвирланиши ўқувчини ҳикоянинг ғоясига ишонишга мажбурлайди. Бу – ҳақиқий маҳорат»<sup>22</sup>, - дея асарни баъзан новелла, баъзан ҳикоя тарзида муҳокама қилиши, 1960 йилларда адабиётшуносликда кичик эпик жанрлар қаторида фақатгина очерк, фельетон, ҳикоя махсус ўрганилгани, новелла эътибордан соқит қолганини кўрсатади. Лекин, новеллаларнинг бадиий адабиётимизда оммалашмаганлиги ҳам мана шундай иккиланишни келтириб чиқарган бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Ҳикоя жанри бўйича махсус тадқиқот олиб борган С.Баҳадирова «Ҳикоя ва новелла тўғрисида»ги<sup>23</sup> мақоласида ҳикоя ва новелла ўртасидаги фарқни ажратиб кўрсатса-да, новеллани ҳикоя жанри таркибида ўрганишни таклиф қилади. Жорий ҳолат, қорақалпоқ адабиётшунослигида бу икки жанрга дифференциал муносабат 1970 йилларда аста-секин шаклланишини билдиради. Сўнгги йиллари новелла жанрий хусусияти ҳақида назарий қарашларни адабиётшуносликка бағишланган дарсликларда ҳам учратамиз<sup>24</sup>. Лекин, қорақалпоқ насрида 1970 йиллардан бошлаб жанр намуналари ёзувчилар ижодида бот-бот учрашига қарамасдан, жорий кунга қадар махсус

<sup>20</sup> Нурмухамедов М. Таъламалы шығармаларының 2 томлығы. II том. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1985.

<sup>21</sup> Баҳадирова С. Современный каракалпакский рассказ (1957-67 гг): Автореф. дис. канд. филол. наук. – Нукус: 1970.

<sup>22</sup> Нурмухамедов М. Таъламалы шығармаларының 2 томлығы. II том. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1985. – Б. 264-267.

<sup>23</sup> Баҳадирова С. Гүрриң хэм новелла ҳаққында // Жас Ленинши, 1970, - №10.

<sup>24</sup> Ja'rimbetov Q. A`debiyattani`wdan sabaqlar (Woqi`w qollanba). – No`kis: Qaraqalpaqstan. 2012; Jarimbetov Q., Genjemuratov B. Adebijyat teoriiyas?. Sabaqlıq. – Tashkent: Sano-standart, 2018.

ўрганилмаганлиги, жанр пайдо бўлиш омиллари, ривожланиш эволюцияси, бадиий-поэтик хусусиятлари бўйича тадқиқот ишларини олиб боришни эҳтиёжга айлантиради.

Диссертация иккинчи боби «Новелланинг гоаявий-тематик ва сюжет тузилиши» дея номланади. «Қорақалпоқ новеллаларининг гоаявий-тематик йўналишлари» деб аталадиган биринчи фаслда жанр гоаявий-тематик диапозони таҳлилга тортилди. Унда, асосан, қорақалпоқ адабиётида новелла жанри гоаявий-тематик хусусияти ва ёзувчи бадиий маҳоратига эътибор қаратилди. Хусусан, машҳур ўзбек олими И.Султон «Ёзувчини тўлкинлантирган ва қўлига қалам олишга мажбурлаган ҳаётий материал «мавзу» деб номланади»<sup>25</sup>, - деб таъкидлаган бўлса, новеллада ҳам воқелик мавзуга боғлиқ тасвирланиб, ўқувчида катта қизиқиш уйғотади. Новеллада қаҳрамоннинг психологиясини тегиз очиб беришда кескин ўзгарувчан вазият ва қўйилмаган ечимнинг берилиши асосий хусусият ҳисобланади. Фаслда ўрганилаётган давр қорақалпоқ новеллалари гоаявий-тематик таҳлили асосида жанр қуйидагича таснифланди: Ватан ва макон мавзусини тасвирлаган новеллалар; уруш ва тинчлик мавзусидаги новеллалар; муҳаббат ва дўстлик, айрилиқ туйғуси асосига қўрилган новеллалар; давр руҳиятини акс эттирган новеллалар; ҳаётий-маиший новеллалар.

Диссертацияда 1960-70 йилларда яратилган Ғ.Сейтназаровнинг «Сув ҳақида новелла»<sup>26</sup>, «Қизилқум новелласи»<sup>27</sup> асарлари қорақалпоқ насрида гоаявий-тематик нуқтаи назардан Ватан ва макон мавзусини тасвирлаган дастлабки новелла жанри намуналари сифатида ўрганилади. Ихчам сюжети лиризмга бой бўлиб, халқимиз ўтмиши ва бугунги ҳаётини муқояса да ёритиши билан характерланади. Ҳозирги замон қорақалпоқ новеллалари сюжети тематик ранг-баранг, ҳаётнинг хилма-хил муаммоларини қамраб олиши К.Мамбетов, К.Смамутов, А.Султанов, К.Алламбергенов, М.Таумуратов, Ҳ.Утемуратовлар ижоди мисолида кўриб чиқилди. Хусусан, Кенес Смамутовнинг «Пўшша торғай»<sup>28</sup> новелласида воқелик қуруқ баён қилинмас, новелла қаҳрамони Аймуратнинг ўзини атроф-муҳитга, тугилган ерга, она Ватанга ва яқин-қариндошларига бўлган жонли муносабати ва руҳий кечинмалари воситасида очиб берилади. Унда ёзувчининг ҳаётдан танланган мавзуга ижодий ёндашув сезилади, унда мушоҳада тебраниши қоришиб кетади. Алписбой Султановнинг «Тугилган ердан узоқда»<sup>29</sup> новелласи эса гоаявий-тематик жиҳатдан бир неча йўналишни ўзида синтезлайди. Унда тугилган ер кадри, оила масаласи, фарзанднинг ўз отасига муносабати каби ҳаётий масалалар бадиий умумлаштирилади.

Диссертация давомида К.Мамбетовнинг «Ғулзор»<sup>30</sup>, К.Смамутовнинг «Эрталабки шудрингдек мўлтираган томчилар»<sup>31</sup> новеллалари «муҳаббат»

<sup>25</sup> Султонов И. Адабиёт назарияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1986. – Б. 174-172.

<sup>26</sup> Сейтназаров Ғ. Суў ҳаққинда новелла // Эмиўдэрья. 1958. - №5. – Б. 34.

<sup>27</sup> Сейтназаров Ғ. Қызылқум новелласы // Эмиўдэрья. 1976. - №5. – Б. 47.

<sup>28</sup> Смамутов К. Пошша торғай // Сизлерге айтып кетежақпан... – Нөкис: Билим, 2017. – Б. 276.

<sup>29</sup> Алп Султан. Новеллалар. – Нөкис: Билим, 2008. – Б. 171.

<sup>30</sup> Мамбетов К. Тырналар. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1975.

мавзусини ёритган жанр ёрқин намунаси сифатида бахоланса, А.Халмуратовнинг «Соз тўлкини»<sup>32</sup>, А.Султановнинг «Дийдор»<sup>33</sup> новеллаларининг сюжетида ўрин олган натурал тавсифийлик ёки икки ёш ўртасида юз берган ҳодисалар схематизм асосига қурилганлиги ишончини окламасдан, ўқувчида салбий тасаввур уйғотиши мисоллар билан кўрсатиб ўтилди. Шунингдек, К.Смамутовнинг «Бир оғиз сўз»<sup>34</sup>, «Бола»<sup>35</sup>, Ҳ.Утемураатовнинг «Юлдузим юкори»<sup>36</sup> новеллалари ғоявий-тематик жиҳатдан ҳозирги даврда юз бераётган ҳаёт ҳақиқатларини акс эттирган новеллалар ёрқин намуналари сифатида таҳлилга тортилиб, муҳим хулосаларга келинди. Уруш мавзуси ҳеч бир ёзувчининг эътиборидан четда қолган эмас. Шунингдек, кенг қамровни (повесть ёки романни – К.Д.), кенг ҳажмни талаб қиладиган урушни кичик жанр ҳажмида сиғдириб ёритиш Марат Таумуратовнинг новеллаларида кўп учрайди. Унинг «Икки юзинчи» сонли юк»<sup>37</sup> новелласи сарлавҳасининг ўзиёқ ўқувчида катта кизиқиш уйғотади. Новеллада ўзи туғилиб ўсган юрти учун жонини қурбон қилган бола тобути солинган юк тасвирланган. Муаллиф асар композициясида мавзуга хос ғояни маҳорат билан ифодаланган. Масалан, мана шу сатрларда: «Садирбой шундай тезлик билан кўлларини пайпаслаб автоматини излади, бироқ уни бу яқин атрофлардан топмади. Энди у ҳеч ўйланиб ҳам турмасдан белбоғига киштирилган гранатасини олиб кўкрак оғзига кўйди ва ҳалқасини тортишга тайёрланиб ётди. Унинг мақсади душманлар буни отишга келганда уларнинг ҳаммасини бирга портлатиб юбориш эди! Бошқа йўли йўқ!... Шундай килди, шу қисқа вақтда отасини, онасини, уйли-жойли бўлиб кетган опаларини, укасини, туғилиб ўсган овулини, Қорақалпоғистонни улгурганича кўз олдига келтирди!..» (65-бет), - дея қаҳрамон ҳаракат қиляётган макон ва замонни чекламасдан, узундан узун қуруқ декларациясиз, асарнинг бутун ғоясини, унга асос бўлган мавзунини очиқ беришга эришади. Фаслда ҳозирги қорақалпоқ новеллари ғоявий-тематик йўналиши мазмун жиҳатдан яхлит аспектда ўрганилди.

Иккинчи бобнинг иккинчи фасли «Новелла сюжетида конфликт ва драматизм» масаласига бағишланган. Унда жанр такомиллида зиддият ва кескинлик умумлаштирилади. Ҳар бир ижодкор ифода услуби, мавзу танлаши, сюжет қуриши ҳар хил бўлганидек, ёзувчиларнинг новеллаларида конфликт ва драматизм ўзгача тарзда намоён бўлиши типологик жиҳатдан ўрганилди. Масалан, К.Смамутов ва А.Султановнинг новеллаларида қаҳрамонлар ўртасида ёки муайян бир гуруҳлар ўртасида конфликтлар, драматик ҳолатлар устуворлашса, М.Таумуратовнинг новеллаларида асосан ички психологик зиддиятлар етакчилик қилади. Шунингдек, Е.Утепберганли,

<sup>31</sup> Смамутов К. Азанғы шықтай мөлдиреген тамшылар // Сизлерге айтып кетежақпан... – Нөкис: Билим, 2017. – Б. 254.

<sup>32</sup> Эмиўдәрья. 1972. - №2. – Б. 67-85.

<sup>33</sup> Алп Султан. Новеллалар. – Нөкис: Билим, 2008. – Б. 14.

<sup>34</sup> Смамутов К. Бир аўыз сөз // Қарақалпақстан жаслары. 2018. 1,8,15-февраль, - №5, - №6, -№7.

<sup>35</sup> Смамутов К. Бала // Ерқин Қарақалпақстан. 2018. 13-ноябрь, - №137.

<sup>36</sup> Өтемуратова Ҳ. Жулдызым жоқары! Новеллалар, гүрринлер. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1995. – Б. 27.

<sup>37</sup> Tawmuratov M. Toğay qos'yg?. – Nokis: Qaraqalpaqstan, 2019. – B. 63.

К.Алламбергенов, Х.Утемуратова новеллаларида воқеалар динамикаси кескин конфликт ёрдамида берилиши бўртиб кўринади. Қорақалпоқ прозасида новелла рубрикаси билан пайдо бўлган дастлабки асарларда, масалан, М.Чимбергеновнинг «Ота бақувватмисан?»<sup>38</sup>, Қ.Камаловнинг «Қиз юраги»<sup>39</sup>, Г.Рахимованинг «Меҳрибонлик»<sup>40</sup>, Ж.Абдиреймовнинг «Боғман қария»<sup>41</sup> новеллалари сюжети кундалик ҳаёт воқеаларини акс эттириб, қуруқ тасвирлашга қурилганлиги сезилади. Бадиий адабиётда конфликтнинг учта тури, яъни 1. асар қаҳрамонлари билан улар яшаётган ҳаётий ҳолат ўртасидаги; 2. бир-бирига қарама-қарши характерлар ўртасидаги; 3. Персонажларнинг ички дунёсидаги зиддиятлар учрайди. Ҳар қандай бадиий асарда конфликт мана шу учта турини қабарик ҳолда кўриш мумкин ва улар асарда муаллифнинг ғоясини ифодалашга хизмат қилади. К.Смамутовнинг «Пўшша торғай»<sup>42</sup> ва «Бола»<sup>43</sup> новеллаларининг қаҳрамонлари ўзи яшаётган ҳаётий шароит ва қарама-қарши характерлар билан кескин конфликтга тушади. Масалан, «Пўшша торғай» новелласининг бош қаҳрамони Аймурат бугунги ҳаётий шароит, ота-онаси ва шахсан ички кечинмалари билан қарама-қаршиликка учрайди. Бундай қарама-қаршилик, драматик ҳолат сюжетни ривожлантириш ва характерлар ойдинлашувига замин ҳозирлайди. Туғилган ерини, синглиси Райхоннинг қабрини ташлаб кетишни хоҳламаган Аймурат билан «бошқа томонларга» кўчиб кетмоқчи бўлган отаси Алжан ўртасида конфликт юз беради, драматик ҳолат қаҳрамонларнинг диалоглари ёрдамида очиб берилади.

«– Энди, мен, - деб гапирди Аймурат бирдан аччиғи келиб, – Райхонни ташлаб ҳеч қаерга кетмайман!

– Нима дейсан, аҳмоқ, - деб гапирди Алжан. – Нима деб ўтирибсан?!

– Мен Райхонни ташлаб ҳеч қаерга бормайман?! - дейман.

Алжан ўрнидан бирданига турди-да боласининг ёнига етиб борди ва кулоқ чеккасига шапалоқ билан солиб юбарди.

Аймурат умуман гапирмади. Болага ўхшаб йиғламади ҳам. Отасининг юзига киприқларини қоқмасдан тикка қараб туриб: «Мен Райхоннинг бир ўзини ташлаб ҳеч қаерга кетмайман! – деди яна. – Кетсам ҳам албатта қайтиб келаман!» (283-бет). Демак, юз берган конфликт ёндош кучга эга бўлиб, унда ота-бола Алжан ҳамда Аймуратнинг феъл-атвори муқобил кўйиб тасвирланади. Натижада, воқеалар йўналиши кутилмаган томонга ўзгариб, Аймуратнинг ўзини поезддан ташлаб, вафот этиши билан яқунланади. Ёзувчининг «Йўл четидаги кўланка»<sup>44</sup> новелласи қисқа вақтга қурилгани билан инсонийлик, меҳр-муҳаббат, ор-номус каби буюк ғояларни кўтариб чиққанлиги билан аҳамиятли. Новелланинг сарлавҳаси ҳам китоб ўқувчисига

<sup>38</sup> Жас Ленинши. 1970. 17-февраль, - №14.

<sup>39</sup> Жас Ленинши. 1970. 30-январь, - №9.

<sup>40</sup> Жас Ленинши. 1991. 26-февраль, - №25.

<sup>41</sup> Эмиўдэрья. 1983. - №11.

<sup>42</sup> Смамутов К. Пошша торғай // Сизлерге айтып кетежақпан... – Нөкис: Билим, 2017. – Б. 276.

<sup>43</sup> Еркин Қарақалпақстан. 2018. 13-ноябрь, - №137.

<sup>44</sup> Таўмуратов М. Жол шетиндеги көленке // Қарақалпақстан жаслары. 1999. 4-март.



катта қизиқувчанлик ўйготади. Асардаги воқеалар биринчи бетдан, ҳайдовчининг тилидан ва муаллифлик изоҳлар билан бирга бериллади.

Муаллифнинг ушбу асари 2004 йили нашр этилган «Қисқа роман» номли китобида «Тунги проспект» деб қайта номланиб, ҳикоя деб эълон қилинади. Лекин, бу икки асар ўртасида сезиларли (асар атамасида, тасвирлашда баъзи ўзгаришлар бўлмаса) фарқ кузатилмайди.

Ушбу асарнинг жанрий хусусиятига келадиган бўлсак, бизнингча, асарнинг мазмуни ҳикояга нисбатан новеллага яқин. Сабаби, ундаги мазмун қисқа вақтга сигдирилгани билан инсонийлик, ор-номус каби буюк гоёларни бера олган. Бу масаланинг ҳақийқий ҳаётдан олинганлиги воқеаларнинг кутилмаган ердан бошланиб, сюжетнинг кутилмаган ечим билан якунланиши каби ўзига хос хусусиятлар буни тўлиқ исботлайди. Ҳ.Утемуратованинг «Оқ ўлим»<sup>45</sup>, «Герей хон»<sup>46</sup>, «Юлдузим юкори»<sup>47</sup> новеллаларида ҳам конфликт натижасида юз берган драматик ҳолатлар қаҳрамон ўлимига олиб келиши мисоллар ёрдамида таҳлил қилинади.

Инсон ва ҳаёт ўртасидаги кескин конфликт юз бериши трагедик ҳолатларга олиб келиши минтақавий жиҳатдан бир-бирига яқин ўзбек ва қорақалпоқ ёзувчилари, хусусан, А.Султановнинг «Кўрқитиш», Ш.Холмирозавнинг «Кимсасиз ҳовли» новеллаларида гоёвий-тематик жиҳатдан типологик муштарак эканлиги далилланса, ёзувчи К.Алламбергеновнинг «Ер монологи», «Кучук ва бола»<sup>48</sup>, «Муҳаббат музалари» новеллалар туркуми<sup>49</sup> гоёвий-тематик диапазонини инсон ва жамият, инсон ва табиат ўртасидаги юз берган зиддиятларни қамраб олади. Тадқиқот давомида новеллада тасвирланган ҳаёт ҳақиқати ва ҳаётий ҳодисалар ҳикояга солиштирилганда жуда қисқа лаконизмга асосланиб, унда инсон ички эҳтирослари, кечинмалари, ўй-хаёллари кўпроқ теран лиризм билан берилиб, бирдан кескин бурилиш, хулосалар келиб чиқиши нуқталарига ўзгариши жанр ўзига хос хусусиятини кўрсатади.

Диссертациянинг «Новеллада маҳорат ва ёзувчи индивидуаллиги» дея номланган учинчи боби учта фаслдан иборат. Бобнинг биринчи фаслида «Образ ва характер яратишда бадиий тафсилотнинг вазифаси» масаласи назарий қарашларга таянган ҳолда ўрганилади. Новелла – кичик эпик жанрдаги асар бўлганлиги учун, ўзида кўп маълумотни етказишда ёзувчидан катта маҳоратни талаб қилади. Тафсилот эса, ўз навбатида, асар ҳажмини қисқартиришга кенг имконият яратади. Диссертацияда таҳлилга тортилган А.Султанов, К.Смамутов, К.Алламбергенов, М.Таумуратов, Ҳ.Утемуратова новеллалари сюжетида буюм, тасвир ва портрет тафсилотлари билан биргаликда психологик ҳолатдан самарали фойдаланилади. Жумладан, ёзувчи К.Смамутовнинг «Томчилаган ёмгир томчилари», «Пўшша торгай», «Бир огиз сўз», «Эрталабки шудрингдек мўлтираган томчилар» новеллалари

<sup>45</sup> Утемуратова Ҳ. Ақ олим // Жас Ленинши. 1991. 12-октябрь.

<sup>46</sup> Утемуратова Ҳ. Герей хон // Эмиўдоря. 1994. - №10-12.

<sup>47</sup> Утемуратова Ҳ. Жулдызым жоқары. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1995. – Б. 27-33.

<sup>48</sup> Аллаамбергенов К. Қуслар қайтқан күн: повесть, гүрринлер ҳам новеллалар. – Т.: Ziyo nashr, 2020.

<sup>49</sup> Аллаамбергенов К. Муҳаббат музалары: повестьлер ҳам новеллалар. – Т.: .Ziyo nashr, 2020.

